



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ (ТАФТИШЧИ) ХАКИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом ижро этувчи органининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқук ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофик акциядорларниң умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади.

2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ (ТАФТИШЧИННИГ) ВАКОЛАТЛАРИ ВА ТАРКИБИ

2.1. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколат доираси Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва жамият устави билан белгиланади.

2.2. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларниң умумий йигилиши томонидан тасдикланадиган низомда белгиланади.

2.3. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

2.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йигилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларниң) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

2.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссиясиси (тафтишчи) хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларниң ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

2.6. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

2.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) бир йиллик давр ичидаги фаолият якунлари бўйича хулоса акциядорларниң йиллик умумий йигилишида эшитилади.

3. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ (ТАФТИШЧИННИГ) САЙЛАШ, ДОИР МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

3.1. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларниң умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларниң умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шаҳе айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиси мумкин эмас.

3.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари бир вактнинг ўзида жамият кузатув кенгашиниң аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.3. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибиغا (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.4. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси) қуйидаги талабларнинг камидаги биттасига тўғри келиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш;
- аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;
- корпоратив бошқарув сертификатига эга бўлиш;

3.5. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра жамият тафтиш комиссияси аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) тафтиш комиссияси аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади.

3.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш жамият кузатув кенгашиниң ваколат доирасига киради.

4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ (ТАФТИШЧИННИГ) ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ўз ҳуқукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

4.2. Жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.